

**Электрон тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказиш  
хизмати кўрсатиш**

**ШАРТНОМАСИ № 102  
(ЛОТ 22110012104940)**

2022 йил "24" июл

**Фарғона шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати ДУК директори Ш.Пўлатов, (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб аталади) бир томондан, «Водий танлов маркази» директори Ш.Ғуломов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталади) иккинчи томондан, ушбу шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар.

**1. Шартнома предмети.**

1.1. Ижрочи буюртмачининг топшириғи билан қўйидаги: «Қизилтепа МФЙ Хамза кўчаси тендер хизмати» объекти буйича тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказиш хизматларини бажариш, буюртмачи эса кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**2. Шартнома баҳоси.**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг 2022 йил 11 февралдаги 18-сонли буйруғи билан тасдиқланган калькуляцияга асосан бир шартнома бўйича қиймати қурилиш соҳасидаги электрон тендерлар учун 990 000 (тўққиз юз тўқсон минг) сўмни ташкил этади.

**3. Тўлов шартлари.**

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўловлар – буюртмачи томонидан шартнома баҳосининг 30% бўнак (аванс) ни олдиндан, қолган 70% хизматлар тўла бажарилиб, буюртмачига тегишли далолатнома билан топширилган кундан, Республика бюджети томонидан маблағ ажратилгандан сўнг пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари.**

4.1. Ижрочи ушбу шартномада назарда тутилган ишларни буюртмачи томонидан тендер савдолари ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур ҳужжатларни электрон шаклда тақдим қилгандан кейин белгиланган муддатда бажаради.

4.2. Шартнома иккала томон имзолаган кундан бошлаб буюртмачи охириги тўловни тўлиқ ўтказиб бермагунча амалда бўлади.

**5. Тарафлар мажбуриятлари.**

**5.1. Ижрочи:**

5.1.1. Ўз имкониятлари ва воситалари билан тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказишни тўлиқ ҳажмда ва муддатида бажаришни ўз зиммасига олади.

5.1.2. Тендер савдоси ташкил этиш ва ўтказиш буюртмачи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 31 январдаги 46-сонли қарори билан тасдиқланган низомга асосан амалга оширади.

**5.2. Буюртмачи:**

5.2.1. Шартнома имзоланганидан кейин ижрочиға 3 банк куни ичида тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган барча зарур ҳужжатларни электрон шаклда топширади.

5.2.2. Ушбу шартномада назарда тутилган ишларга, шартноманинг иловаларида белгиланган миқдорда ва муддатда ижрочиға шартнома баҳосини тўлайди.

**6. Тарафлар жавобгарлиги.**

6.1. Ижрочи тендер савдосини бажармаган тақдирда буюртмачиға хизматларни топшириш кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори бажарилмаган мажбурият суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.2. Буюртмачи тўловни ўз вақтида тўламаганлик учун ижрочиға ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.3. Тарафлардан бири ушбу шартнома бўйича бошқа мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда айбдор томон бошқа томон кўрган зарарларни қонун ҳужжатларига асосан қоплайди.

6.4. Неустойка тўлаш томонларни ушбу шартнома мажбуриятларини бажариш ёки бузилган ҳуқуқни бартараф этишдан озод этмайди.

6.5. Томонларнинг биронтаси ҳам бошқа томон олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини ўз эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билишни ёки бартараф этиш мумкин

бўлмаган холлар, бунга оғбарго, зилзила, сув босиш, ёнгин ва бошқа табиий оғатлар билан боғлиқ холларда бажармаганликлари учун (форс-мажор холларида) жавобгар бўлмайди.

#### 7. Низоларни хал қилиш тартиби.

7.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартномани тузиш, узгартириш ва бекор қилиш бўйича ҳамда уни бажарилиши билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокаралар оркали хал қилинади.

7.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

#### 8. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар қиритиш тартиби.

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштириб, харик калатомонимзолаган холлардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартноматомонларнинг хошия ва келишуви билан исталган вақтда узгартирилиши, муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин. Шартнома, шунингдек, биртомонунижиддий бузганида, иккинчитомоннинг ташаббуси билан, бухақда бутомонни 7 кун олдин ёзма оғхлантириб, бекор қилишга ҳақли, бунда иккинчитомон қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича узига тегиз қилган зарарларни қоплашниталаб қилишга ҳақли.

#### 9. Бошқа шартлар.

9.1. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга 2 (икки) нусхадатузилди ва 2022 йил 31 декабрга қадар кучда бўлади.

9.2. Шартнома Ғазначилик рўйхатидан ўтгандан сўнгра кучга иради.

#### 10. Томонларнинг юридик манзиллари ва тўлов реквизитлари:

“БҮЮРТМАЧИ”	“ТАШКИЛОТЧИ”
Фарғона минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси Манзил: Фарғона ш. Аэропорт кўчаси 1-уй Тел./факс: +99873-249-50-53 ШҒХ: ИНН: 304 899 935 Фарғона вилояти Ғазначилик бошқармаси ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010 Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ) МҒО: 00014 Ғазначилик бўлинмасининг СТИР: 201 122 919	«Водий танлов маркази» МЧЖ Манзил: Фарғона ш. Қувасой кўчаси 39-уй Тел: 97-415-48-00 Х/р: 2020 8000 9009 2476 6001 ИНН: 305 772 555 ОКОНХ: 84500 Фарғона шаҳар АКБ “Инфин банк” Фарғона филиали МҒО: 01128
Буюртмачи раҳбари  Ш.Пўлатов М.Ў.	Директор:  Ш.Ғуломов М.Ў.

Ҳуқуқий ҳулоса:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Ғуқаролик кодексига, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган холда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Ҳуқуқшунос: 